
ДОИМ ЭЪЗОЗДАСИЗ, АЗИЗ УСТОЗИМ!

Данғара туманида "Ўқитувчи ва мураббийлар куни"га бағишлаб ташкил этилган байрам тадбири кенг нишонланди.

Байрамда фан, таълим, маданият, санъат, спорт соҳаларида узоқйиллар ёш авлод таълим-тарбиясида беминнат хизмат қилган фахрий устозлар, ёш педагог ва мураббийлар иштирок этишди.

Байрам тадбирини туман ҳокими табрик сўзи билан очиб, тадбирда йиғилган барча фахрий ўқитувчилар, ходимларни "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" байрами билан табриклаб ўтди.

Байрам муносабати билан бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар таълим соҳасида олиб бораётган ишлари ва меҳнати учун фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2021-10-01 09:24:17